

5 -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 27 » январ 2022 йил.

Ушбу шартнома «Хоразм сув таъминоти» МЧЖ Шовот тумани бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи **Вансов Камолатдин**,

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи **Шовот туман мактабгача таълим бўлими** низом асосида иш олиб борувчи в.б.Д.Атажанов,

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матинда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 3557,50 нарх бўйича 1271,6 м³ни;

1 м³ ичимлик сув учун 3050 сўм (+КҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни;

1 м³ оқова сув учун 0 сўм (+КҚС 15%), + 0 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.

Шу тариқа шартноманинг умумий қиймати 4 523 717 турт миллион беш юз йигирма уч минг етти юз ун етти сўмни ташкил қилди

Шу жумладан, бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 30 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш тариқасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонуңчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матида – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1 м³ ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м³ оқова сув хизмати учун 0 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти-руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланиш субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахиларни суғориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнгиларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонуңчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (қалибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишлади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатиш минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги мезёр, қоидалар ва бошқа мезёрый ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз қучини саклаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар қиритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб қўйувчи қулфи, Қирин қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи оқова қудуғи (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонуңчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиши;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қаида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиши;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вақти орқали бериш ҳуқуқига эга бўлиши.

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва артибларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарининг сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қаршли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотидан, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тикилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарининг сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига плomba узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини қақририш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиши ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у окзизлаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табiiий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова суви чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфнинг олидини олиш, саноат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинмаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентни қўлаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига окзизлаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этинмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунча 10 иш кунинда кечикмай огоҳлантириш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларининг ҳудудини ва тасарруфида бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сақланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудинда жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда қўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ККСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир кунни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 30 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда ҳабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунини ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5 Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатта олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважиниси, қудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқиниш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларни тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларининг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан

янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 феврал кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича метёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдордан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишнинг таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатидан кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолаб, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ иктисодий судларда ёки Хоразм медиатция ва арбитраж маркази жамияти ҳузуридан доимий фаолият курсатувчи ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо Ҳакамлик судида ҳал қилинганда суднинг регламент ива низомига қура ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси бир нафар ҳакамлик судьяси томонидан ҳал қилинади. Ҳакамлик муҳокамаси жойи мазкур суд томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси давлат божи тўғрисидаги қонуни ва иловасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

7.2. Тарафлар урталаридаги ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзидан низо келиб чиққан тақдирда, улар шартноманинг 7.1 бандида курсатилган тартибда Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Хоразм медиатция ва арбитраж маркази жамияти ҳузуридан доимий фаолият курсатувчи ҳакамлик судида ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа снгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енггиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинималарида рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Хоразм сув таъминоти» МЧЖ Шовот тумани бўлими
Асаев МФЙ «Мамнун» куча 77-уй
Тел: 62-3455725
Х/Р 22638000400510667477
Мфо: 00579 : СТИР: 201733481
Ипотекабанк Урганч Шаҳар бўлими

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Шовот туман мактабгача таълим бўлими
Манзил Туркистон куча №11 уй
Тел:62 -34 -55-370, факс
газ/х-р 10002286032307091100251026
Банк коди 00014 СТИР 305156054
ХХТУТ_92400
Молня вазирлиги ягона газпа
х/в 23402000300100001010
Банк Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
Банк коди 00014 СТИР 201122919

Раҳбар

М.У.

« _____ »

К.Вансов

(Ф.И.О. имзо)

2022 й.



Раҳбар

М.У.

« _____ »

Д.Атажанов

(имзо)

2022 й.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyiyaning turi: **Shartnoma.**

2. Loyiyaning nomi: **Ichimlik va oqava suvi xizmatlarini ko‘rsatish uchun shartnoma №7**

«Xorazm suv ta‘minot» MCHJ Shovot tuman bo‘limi keyingi o‘rinlarda «Ta‘minotchi» deb yuritiladigan o‘zining Nizomi asosida faoliyat yurituvchi direktori **Kamoladdin Vaisov** bir tomondan, Shovot tuman maktabgacha ta‘lim bo‘limi keyingi o‘rinlarda «Iste‘molchi» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi mudiri v.b. D.Atajanov ikkinchi tomondan ichimlik suvi ta‘minoti va oqava suvlarni olib chiqish uchun umumiy qiymati **4.523.717 (to‘rt million besh yuz yigirma uch ming yetti yuz o‘n yetti)** so‘mlik shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot - **Shovot tumani maktabgacha ta‘lim bo‘limi** tomonidan 27.01.2022-yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi №670-I-sonli Qonuni va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni **qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsulti:



Qurbonov B.R.